Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta
1991-yil
21-martdan
chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 29-yanvar, seshanba № 12 (3205)

ЎзКУФК Раёсати йиғилиши

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши Раёсатининг навбатдаги йиғилишида касаба уюшмалари фаолиятига оид 20 дан ортиқ масала муҳокама этилди. Хусусан, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ва унинг асосида ишлаб чиқилган Федерация Кенгаши тадбирлар дастурининг бажарилиши, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик асосида меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, касаба уюшмалари ташкилотларида туризмни ривожлантириш каби масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

ТАКОМИЛЛАШУВ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган муайян ишларга алоҳида тўхталиниб, касаба уюшмалари ҳудудий бирлашмаларида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» орқали 1900 га яқин, ҳуқуқий маслаҳатхоналар орқали 2,5 мингдан ортиқ фуқарога бепул хизмат кўрсатилгани таъкидланди.

Шунингдек, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ижтимоий ҳимояга молик оилалар вакиллари, янги оила қурган ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий муҳофазаси таъминланиб, ушбу мақсадлар учун 39 млрд. сўмликдан зиёд маблағ йўналтирилди. Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, тармоқ Марказий кенгашлари томонидан Сурхондарё ва Самарқанд вилоятидаги 680 та кам таъминланган ёш оилага ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш мақсадида 177,5 млн. сўмликка яқин парранда олиб берилди.

Маҳаллаларда, айниқса, чекка қишлоқларда яшаётган меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ва жисмоний имконияти чекланган инсонлар ҳам эътибордан четда қолмади.

Мамлакатимизда ёшлар манфаатлари ҳимояси йўлида амалга оширилаётган ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 37 минг нафарга яқини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватланди. Ҳудудий ва тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан касаба уюшма стипендиялари жорий этилиб, 500 нафарга яқин иқтидорли талабага берилди.

Тизимдаги санаторийларда кўп болали ва кам таъминланган оилаларга мансуб 502 нафар аёл бепул даволанди. 110 та ёш оиланинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун 219 та, 113 та ёш оила учун «Умид гулшани» санаторийсига 225 та имтиёзли йўлланма берилди. 3250 нафар она ва боланинг биргаликда дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлаши таъминланди.

Раёсат йиғилишида муҳокама этилган меҳнат муҳофазасига оид масала барчанинг эътиборини тортди. Бу борадаги ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида алоқадор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик алоқалари кучайтирилди. Натижада Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва бошқа алоқадор ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган 28 та қоида, махсус кийим, пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул беришнинг намунавий нормалари кўриб чиқилди ва Федерация Кенгаши томонидан лойиҳалари келишилди.

(Давоми 2-саҳифада).

БУЮРТМА КЎП, ИШ ҚИЗҒИН

Фарғона вилоятида истеъмол бозоридаги талаб асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, саноатни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ўз самараларини бермоқда. Буни Тошлоқ туманидаги «Martashspesodejda» масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Махсус иш кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона замонавий тикув ва тўқув дастгоҳлари билан таъминланган. Корхонада элликдан зиёд ишчи меҳнат қилади. Уларнинг салмоқли қисмини қишлоқ аёллари ташкил этади. Бу ерда ишчиларга барча шароит яратилган.

Корхонада тайёрланаётган ишчи коржомалари ва махсус кийимларга «Қувасойшифер», «Фарғона тола базаси», «Фарғона электр тармоқлари», «Асакаёғмой» сингари иқтисодий бақувват субъектлардан буюртмалар кўпаймоқда. Шунга кўра ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам ортаётир. Ҳозир корхонада ўттиз турдаги махсус иш кийимлари тайёрланмоқда.

Суратларда: (чапдан) технолог — Насиба Султонова ва ишчи Хуршида Ҳожиматова. Тикувчи — Равшаной Мелибоева. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Пленум

АСОСИЙ ЭЪТИБОР — БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРГА

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор республика касаба уюшмалари фаолиятининг 2012 йил якунлари ва 2013 йилдаги устувор йўналишлари тўғрисидаги масалага қаратилди. Мажлисни Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева олиб борди.

Маълумки, жорий йилнинг 18 январида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлисида глобал иқтисодиётда жиддий муаммолар сақланиб қолаётганлигига қарамай, ўтган йилда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор юқори суръатлар билан ривожланишда давом этгани, аҳоли турмуш даражасининг ўсиб бораётганлиги ва мамлакатимизнинг жаҳон бозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланаётгани қайд этилди.

Касаба уюшмалари ҳам юртимизда амалга оширилган ислоҳотларда фаол иштирок этди. Жумладан, ижтимоий шериклик кўламини кенгайтириш натижасида юридик шахсларнинг 94,5 фоизи жамоа шартномавий муносабатлар билан қамраб олинди. 30 га яқин давлат ва нодавлат ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум, битим ва қўшма тадбирлар имзоланиб, уларда белгиланган вазифалар амалга оширилди.

Ҳисобот йилида янги иш ўринлари, касаначилик фаолияти, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида ҳам мониторинг ишлари олиб борилди. Ўтган йили касаба уюшма ташкилотлари томонидан 1247 та янги иш ўрни яратилиб, кўзда тутилган режа 101,5 фоизга бажарилгани йиғилганлар томонидан эътироф этилди.

Қувонарли томони, Федерация Кенгаши қошида «Касаба сайр» шўъба корхонаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича «Касаба-таъмир» ШК, «Касаба текс» тикувчилик корхонаси, минерал сув ишлаб чиқариш бўйича «Бакард Азия» МЧЖ ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди. Самарқанд шаҳрида «Нодир Самарқанд» меҳмонхонаси қурилиб, ишга туширилди. Мазкур корхоналарни ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшилди.

Мустаҳкам оила йили муносабати билан кам таъминланган, эҳтиёжманд, кўп болали оилалар, ёшларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор янада кучайтирилди. Федерация Кенгаши, ҳудудий ва тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Аъзоларнинг ҳуқуқий ҳимояси ҳам касаба уюшмалари диққат марказида бўлди. Федерация Кенгашига ўтган йили фуқаролар, корхона, ташкилот ва муассасалардан 11385 та, жумладан, 3539 та ёзма, 5852 та оғзаки, 1994 та «Ишонч телефонлари» орқали мурожаатлар тушган. Мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Шунингдек, 100 га яқин ёзма мурожаат юзасидан судга даъво аризалари киритилган бўлса, 500 га яқин иш берувчига тақдимномалар киритилди. Натижада, кўплаб ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Ўзбекистонда ёшлар сиёсати

Пойтахтимизда 22-23 январ кунлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ ва Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ташкил этилди. Унда парламент аъзолари, вазирлик, идора, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, илмий ва маънавий-маърифий муассасалар мутахассислари, педагоглар, ҳудудлардаги давлат мукофотларига сазовор бўлган ёшлар, олий ўқув юртларининг иқтидорли талабалари, коллеж, академик лицей ва мактаб ўқувчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДИМАН!

Юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод камоли йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. 1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлиги истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳага жиддий эътибор қаратилганини кўрсатади. Давлатимиз томонидан иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга кенг эътибор қаратилмоқда. Жумладан, улар учун махсус стипендиялар таъсис этилган. Бундай ғамхўрликлар ўз самарасини бераяпти. Мисол учун, ҳар йили ўтказиладиган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ёш олимлар ва талабалар томонидан тақдим қилинаётган истиқболли лойиҳалар сони тобора ортиб бораётир. Илм-фан сирларини пухта эгаллаётган ўқувчи ва талабалар эса халқаро олимпиадаларда муваффақиятли қатнашишмоқда.

Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтган конференцияда маъруза қилганлар эришилаётган бу каби ютуқларни алоҳида таъкидлашди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда эртанги кунга ишонч билан боқаётган, замонавий билимларни пухта эгаллаб, уни ҳаётга татбиқ этаётган навқирон авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани айтиб ўтилди. Шу билан бирга, ёшларга оид сиёсатнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг янада кенг миқёсда иштирокини таъминлаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, илм-фанга кенг жалб этиш, салоҳиятини муносиб баҳолаб бориш ҳақидаги таклифларини билдиришди.

Шундан сўнг иштирокчилар Ўзбекистон Миллий университетида секцияларга бўлиниб, анжуманда қилинган маърузаларни муҳокама қилдилар. Секция йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

— Келажакка эътибор таълим-тарбиядан бошланади. Мамлакатимизда ушбу соҳа ривожи йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, юксак натижаларга эришилганлиги халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда. Жумладан, 2012 йил февраль ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференциянинг иштирокчилари томонидан қабул қилинган якуний ҳужжатда Ўзбекистонда таълим соҳасида шаклланган самарали модел юксак баҳоланди. Бу борада тўпланган тажрибани бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этиш лозим, деган хулосага келинди. Бугунги анжуман ҳам бу борадаги ютуқларни янада юксалтиришга кўмак бериши шубҳасиз, — деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси, ЎзФА «Ёш олимлар кенгаши» аъзоси Шерзод Жўраев.

ЎзА суратчиси

(Давоми 2-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

СИРДАРЁ

Сирдарё туманининг «Малик» маҳалласида ишнинг кўзини биладиган кишилар истиқомат қилади. Томорқадан унумли фойдаланилаётгани боис аҳоли фаровон турмуш кечирмоқда.

РЎЗҒОР ТАЯНЧИ

Жумладан, Ҳайдаровлар оиласи томорқадан келган даромад ҳисобига 3 та иссиқхона бунёд этиб, бир йилда 3 марта ҳосил олишни йўлга қўйди ва етиштирилган помидор, бодринг ҳамда кўкатларни сотиб, йилига 30 миллион сўм атрофида фойда кўра бошлади.

— Астойдил меҳнат қилган кам бўлмас экан, — дейди хонадон соҳибаси Меҳри Ҳайдарова.

Томорқа туфайли иқтисодий юксалаётган М.Ниёзов, Р.Орзиқулов, Н.Пўлатовлар оилалари ҳақида ҳам кўп яхши гапларни айтиш мумкин.

Анорбой НОРҚУЛОВ

ФАРҒОНА

Европа Иттифоқи ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури «Аҳоли турмуш даражасини ошириш» лойиҳаси асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ҚУЁШ НУРИ ҚУВВАТИ

Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги 13-умумтаълим мактабида қуёш панеллари ёрдамида ёруғликдан электр қуввати оладиган қурилма ўрнатилиб, ишга туширилди. У қуёш нури ва ёруғлигидан фойдаланиб синфдаги 11 та компютер жиҳозларини муқобил электр қуввати билан узлуксиз таъминлаш имкониятини беради.

— Ҳозирда мактабимизда информатика дарсларини ҳар қандай вазиятда компютер жиҳозлари ёрдамида ўтиш учун қулай шароит яратилди, - дейди мактаб директори Акбарали Ҳайдаров.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

НАВОИЙ

Навоий вилоят «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлими бошқаруви ҳамда шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди «Бунёдкор» МФЙда Обод турмуш йили учун белгиланган режалар юзасидан ўқув-семинар ташкил этди.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Унда ҳар бир маҳалла, гузар, хиёбону кўчалар орасталигини таъминлаш ҳақида сўз юритилди ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. «Бунёдкор» МФЙ тимсолида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳужжатлар билан ишлаш, ижро интизоми ҳамда иш юритишга доир масалаларга эътибор қаратилди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

БУХОРО

Газлини оловкорлар шаҳарчаси, дейишади. Бу ерда ўндан ортиқ миллат вакиллари иноқ ва аҳил яшаб, меҳнат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

— Кейинги пайтда тадбирлар доираси янада кенгайди, — дейди 36-қозоқ умумтаълим мактаби директори, вилоят қозоқ миллий-маданий марказининг Газли шаҳридаги вакили Айжан Қадирбаева. — Миллий қадриятларимизни кўпроқ тарғиб қилиш мақсадида фаолларимиз билан хонадонларда бўлаяпмиз. Аҳоли талаб ва таклифлари асосида ўтказилаётган тадбирлар ҳам яхши самара бераяпти.

Шундай тадбирлардан бирида ибратли оилалар вакиллари Улбусун Досмуратова, Гулсин Абдибаева, Галия Давлатярова, Бахтли Абдуллаева каби меҳнат фахрийлари турмуш қуриш арафасида турган йигит-қизлар билан учрашди. Катта ҳаёт тажрибасига эга онахонлар юртга садоқат, мустаҳкам оила сир-синоатлари ҳақида ҳаётий мисоллар орқали тушунтириш бердилар.

Жангул Абдуллаева бошчилигидаги бадиий ҳаваскорлар жамоаси ижросидаги куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига завқ бағишлади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2013-yil 29-yanvar № 12 (3205)



Оролбўйида аҳолини қиш мавсумида озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, эл дастурхонини сифатли мевасабзавотлар билан тўлдириш ва ички бозорда нархнаво барқарорлигини сақлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

ҚИШНИ ЁЗ ЭТИБ...

«Тахиатош иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамияти томонидан замонавий иссиқхона ишга туширилиб, эл дастурхонига қишда ҳам ёздагидек полиз маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Икки гектар майдонни эгаллаган иссиқхона хўжалигида шу кунга қадар саксон тонна бодринг, ўн тонна помидор етиштирилиб, Нукус, Тахиатош ва Хўжайли деҳқон бозорларида сотилди.

— Экинлар парваришлашни замонавий технологиялар ёрдамида бажараётганимиз туфайли мўл ҳосил етиштиришга эришаётирмиз, — дейди иссиқхона хўжалиги раҳбари Жақсибой Атамуратов. — Йигирма тўрт киши меҳнат қилаётган хўжалигимизда айни пайтда лимонзор барпо этиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Суратларда: ишчи Нодира Илҳомова; (ўнгдан) ишчилар Минаввар Сапарбоева, Ойгул Мухадова, Гулшира Абдуллаева ва Гўзал Яхшибоева.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

АСОСИЙ ЭЪТИБОР — БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРГА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Маънавий-маърифий йўналишдаги ишлар мазмунини бойитиш ва самарадорлигини оширишга ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. Бунинг натижасида ҳар ойда 28 мингга яқин бошланғич ташкилотлар томонидан «Маънавият соатлари» ўтказилди. Касаба уюшмалари туризмини ривожлантириш масаласи ҳам йиғилиш иштирокчилари диққат марказида бўлди. Хусусан, ўтган йили «Меҳрибонлик» уйларининг ҳамда болалар шаҳарчасининг минглаб тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар аъзолари ва фарзандлари, ўқувчи ва талабалар, ёш оилаларнинг музейлар, маданият ва истироҳат боғлари, республиканинг диққатга сазовор қадамжоларига саёҳатлари ташкил этилди.

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан тизимли равишда оилавий спорт беллашувлари, ишчи-ходимлар орасидаги ҳаваскор велоспортчилар ўртасида илк бор веломарафон мусобақаларининг ўтказилиши спортнинг оммавийлигини оширишда муҳим омил бўлди. Бундан ташқари, тизимдаги соғломлаштириш муассасаларида кўп болали ва кам таъминланган оилаларга мансуб аёлларнинг бепул даволаниши, ёш оилалар учун имтиёзли йўлланмалар ажратиш, она-бола соғломлаштирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ жойлардаги санаторийлар атрофида истиқомат қилувчи 5 минг 15 та оила аъзолари, 1 минг 890 нафар боқувчисини йўқотган болалар ва 770 нафар жисмоний имконияти чекланган инсон бепул тиббий кўрикдан ўтказилди ҳамда уларга амбулатор даволаш хизматлари кўрсатилди.

Федерация Кенгашининг Санатор-курортлар бошқармаси тизимидаги санаторийларда ўтган йили 95 мингдан зиёд меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини тиклашига эришилди. Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсуми ҳам муваффақиятли ташкил этилди. Муҳим жиҳати, касаба уюшмалари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш оромгоҳларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2012 йилга мўлжалланган Манзилли дастур» тасдиқланиб, унга мувофиқ 4 та янги оромгоҳ қурилди, 7 та оромгоҳ реконструкция қилинди ва 30 та оромгоҳда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Касаба уюшмалари тузилмаларини такомиллаштириш борасида ҳам изчил фаолият олиб борилди. Натижада, бошланғич ташкилотлар мавжуд имкониятларини кенгайтириш мақсадида тизимли ишлар ташкил этилди. Бунда, асосий эътибор меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилди. Эндиликда ижтимоий объектлари мавжуд бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларни инобатга олган ҳолда, бошланғич ташкилотларда аъзолик бадалларининг 60-70, айримларида 80 фоизигача қолдириш тизимини яратишга эришилди. Тизимдаги янгиликлардан яна бири бошланғич ташкилотлар ихтиёрида қолдирилаётган маблағларнинг 10 фоизигача бўлган қисмининг ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг санаторий ҳамда дам олиш уйларида саломатликларини тиклашлари учун йўналтирилишидир. Бу саъй-ҳаракатлар мавжуд имкониятларни уч баробар ошириш имконини беради.

Пленумда, шунингдек, амалга оширилган ишлар ва эришилган ютуқлар қаторида касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида учраётган айрим камчиликларнинг тўлиқ бартараф этилишини таъминлаш фаоллар олдидаги асосий вазифалардан экани алоҳида таъкидланди.

Мажлисда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг 2013 йилдаги устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида:

- ижтимоий шериклар билан ўзаро ҳамкорлик шакл ва услубларини такомиллаштириш орқали ижтимоий шерикликнинг самарадорлигини ошириш;

- меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга, меҳнат муносабатлари, меҳнат муҳофазасига оид амалдаги қонунлар, қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш, янги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш;

- аҳолини, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, янги иш ўринлари яратилганлигининг ҳаққонийлигини таъминлашда фаол иштирок этиш, корхона, ташкилот, муассасаларда қулай ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилишига эришиш;

- бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада фаоллаштириш, касаба уюшмалари тизимидаги кадрлар ва фаоллар салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш;

- нодавлат сектори корхона, ташкилотлари ходимларини касаба уюшмаларига жалб этишнинг самарали тизимини шакллантириш, «Ҳар бир ходимга — касаба уюшмаси эътибори» лойиҳасини жорий қилиш;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини сифатли соғломлаштириш соҳасидаги имкониятларни янада кенгайтириш, тизимда соғломлаштириш ва дам олдириш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

- корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказиладиган маданий-оммавий ва спорт тадбирларининг сифат ҳамда самарасини ошириш, ички, ташқи ва тиббий туризмни ривожлантиришда фаол иштирок этиш;

- ёшлар, аёлларнинг ижтимоий мавқеини ошириш, имкониятларини кенгайтириш ишларида фаол иштирок этиш, амалдаги қонунларда улар учун белгиланган имтиёзлар берилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

- республикада атроф-муҳит муҳофазасига оид қабул қилинган дастурлар бажарилишида касаба уюшмалари иштирокини кенгайтириш;

- «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг бажарилишида фаол иштирок этиш;

- халқаро ташкилотлар (Халқаро Меҳнат ташкилоти, БМТнинг тараққиёт дастури, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва ҳ.к.), хорижий давлатларнинг касаба уюшмалари марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттириш ва янада кенгайтириш;

- замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда тизимда электрон маълумот алмашинувини кенг жорий этиш, ягона ахборот тизимини яратиш, жамоатчилик билан алоқаларни мустаҳкамлаш йўналишидаги ишларни кучайтириш **касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари** этиб белгиланди.

Яна бир муҳим воқеа. Иштирокчилар томонидан касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари мавқеи ва нуфузини ошириш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида 2013 йил Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимида **«Бошланғич ташкилотлар йили»** деб эълон қилинди.

Йиғилишда касаба уюшмалари фаолиятига оид яна бир қатор масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Акмал ТОШЕВ,
«Ishonch» мухбири

ТАКОМИЛЛАШУВ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Меҳнат муҳофазаси бўйича 3 та меъёрий ҳужжат юзасидан таклифлар билдирилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ўрнатилган ҳамкорлик алоқалари натижасида ходимларга бепул тиббий кўрикдан ўтиш имконияти яратилди. Шунингдек, Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти билан биргаликда «Касб касалликларининг олдини олиш юзасидан тиббиёт профилактика муассасалари ва касаба уюшмаларининг тавсиялари» ишлаб чиқилди.

Тизимни такомиллаштириш туфайли мазкур йўналишда эришилган самарали натижалардан яна бири — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги муассасаларда меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш масаласи юзасидан Федерация Кенгаши таклифига асосан Тошкент Давлат техника университети қошида очилган, хўжалик ҳисобида фаолият олиб борувчи курснинг ташкил этилиши бўлди. Шунингдек, Тиббий меҳнат эксперт комиссиялари ишида касаба уюшмалари вакилларининг иштирок этиши масаласи ижобий ҳал этилди.

Йиғилишда касаба уюшма ташкилотларида туризмни ривожлантириш масаласи ҳам чуқур муҳокама этилди. Касаба уюшмалари тасарруфдаги санаторийлар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда тиббий туризмни йўлга қўйиш ва янада такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар режалаштирилганига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларига киритиш орқали Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнаткашлари ҳамда уларнинг оила аъзоларини Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши каби тарихий шаҳарлар ҳамда ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор масканларга саёҳатларини уюштириш ишларини янада ривожлантириш белгилаб олинди. Шунингдек, тизимдаги санаторийларга дам олувчиларни, чет эл фуқароларини жалб этиш мақсадида сервис хизматларини янада яхшилаш, моддий-техник негизини янада мустаҳкамлаш, сиҳатгоҳларда янги даволаш усулларини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокама жараёнида йиғилиш иштирокчилари томонидан касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган такомиллашув натижасида ихчам ва ишчан тузилма яратилганлиги, энг муҳими, барча саъй-ҳаракатлар инсон омилига, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилганлиги алоҳида таъкидланди.

— Касаба уюшмалари тизимини такомиллаштириш йўналишидаги ишлар самарасини ўзим раҳбарлик қилаётган муассаса мисолида ҳам кўрмоқдаман, — деди Жиззах вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази бош шифокори, сенатор Холида Алимова. — Айниқса, бошланғич ташкилотлар фаолиятига қаратилаётган катта эътибордан улар фаоллашди. Жумладан, касаба уюшма қўмитамизнинг ташаббускорлиги, изланувчанлиги ортганлиги боис, ходимлар манфаатига тааллуқли чора-тадбирлар мазмуни бойитилиб, сифати оширилди.

Муҳокама юзасидан сўзга чиққан, Бухоро вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Ғ.Сафаров, Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси З.Маҳкамова ҳам кейинги йилларда ходимларнинг иш шароитларини янада яхшилаш, улар учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталдилар.

Айниқса, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари молиявий имкониятларини кенгайтириш туфайли ишчи-хизматчилар аввалгидек 5 йилда эмас, балки ҳар 2 йилда ва ундан камроқ муддатларда имтиёзли йўлланма асосида саломатликларини тиклаш имконига эга бўлганлари, йўлланма учун тўланадиган тўлов миқдорининг камайтирилиши натижасида ҳар йили имтиёзли соғломлаштириладиган ходимлар янада кўпаяётгани алоҳида таъкидланди.

Раёсат йиғилишида шунингдек, Федерация Кенгаши тасарруфида Жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш бошқармасини ташкил этиш, тизимдаги санатор-курорт ва даволаш-профилактика муассасаларини янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама этилди. Фаолиятга оид амалдаги меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, янгиларини қабул қилиш бўйича «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида намунавий Низом»га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, «Жамоа келишувлари лойиҳаларини экспертизасидан ўтказиш тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш, «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, қабул қилинган жамоа шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва сақлаш Тартиби», «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотларнинг маданий-маърифий ва спорт йўналишлари бўйича фаолиятини юритиш тўғрисидаги Низом» тўғрисидаги масалалар ҳам батафсил кўриб чиқилди.

Ҳар бир масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифларни инобатга олинган ҳолда, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати раҳбари

БУЮК ЮРТ ФАРЗАНДИМАН!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Анжуманда қўйилган вазифаларни амалга ошириш бўйича кўплаб фикрлар билдирилди. Бу каби фойдали тадбирларни ҳар йили ҳудудларда анъанавий тарзда ўтказиш белгилаб олинди. Мулоқотлар жараёнида мен ҳам жойларда ёшларнинг психологик марказларини очиш ҳақида таклиф киритдим. Чунки, уларнинг баъзан тушкун ҳолатга тушиши, руҳиятида ўзгариш бўлиши мумкин. Соғлом дунёқарашга эга, теран фикрлайдиган комил инсонни тарбиялашда психологнинг ўрни муҳим саналади, — деди Жиззах давлат педагогика институти талабаси Шоҳиста Соатова. — Билдирилган таклифларнинг тезда амалга оширилишига ишонаман. Нега деганда, юртимизда таълим соҳасида барча имкониятлар мавжуд. Шундай юрт фарзанди эканлигимдан фахрланаман...

Мазкур анжуман ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди. Олимлар, давлат арбоблари тизимни янада такомиллаштириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, уларни ҳар хил бузғунчи ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш каби масалалар бўйича таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди. Шу нуқтаи назардан барча ҳудудлардаги сиёсий билим, тажриба ва юқори малакага эга бўлган ёшларни аниқлаб, қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, рағбатлантириш борасида кенг қамровли ишларни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Иштирокчилар Ёшлар ижод саройида ташкил этилган кўргазмада Ўзбекистонда бугунги кунда ёшлар сиёсати доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни ўзида акс эттирган фотосуратлар, ёш олимларнинг ихтиролари, илмий янгиликлар, инновацион ишланмалар, китоб ва бошқа босма нашрлар, ёш истеъдодларнинг ижод намуналари билан танишдилар.

Конференцияда фаол қатнашганлар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ёшлар кенгаши фаолиятидан

ҲАМКОРЛИК

Касаба уюшмаларининг Ёшлар кенгашлари томонидан ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, касаба уюшмасига жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши тизимли ишларни йўлга қўйган.

Жумладан, ёшлар ўртасида «Устоз-шогирд» тизимини жорий қилиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Турли мавзуларда ўтказилаётган тадбирлар ҳам ёшларнинг маънавияти ва дунёқарашини бойитишга хизмат қилаяпти.

«UzTEX Шовот» МЧЖда меҳнат қилувчи ёшлар билан «Ishonch» газетаси ижодкорлари ўртасида бўлиб ўтган учрашувда касаба уюшма ташкилотларининг ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганлиги эътироф этилиб, ушбу жараёнда оммавий ахборот воситаларининг роли хусусида сўз юритилди. Шу куни тушдан кейин Шовот маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг мазкур корхонага экскурсияси ташкил қилинди. Замонавий технологиялар, ускуналар, хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараён, ишчи-хизматчиларга яратилган шароитлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

Ёшлар вилоятда ўтаётган турли тадбирларда фаол иштирок этишаяпти. Масалан, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган анжуманда улар ёшлар манфаатига хизмат қилувчи қатор таклифлар ўртага ташлашди.

Дарвоқе, Гурлан ва Шовот туманларида ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш ва маънавий-маърифий ишлар самарасини янада юқори поғонага кўтариш тўғрисидаги масала ўрганилиб, Ёшлар кенгаши раёсати муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

Ўз мухбиримиз

Томорқа

БИР ЙИЛДА ТЎРТ ҲОСИЛ

Дунёда деҳқондан ҳам эзгу тилакли киши бўлмаса керак. Бундай инсонлар қалб қўрғонида фақат яхши умидлар болалайди. Касб тақозоси билан кўплаб деҳқонлар билан суҳбатлашдик ва топган ҳақиқатимиз шу бўлди — у кўрган даромадини эмас, нечта тўй қилгани-ю, неча кишига ош берганини ҳисоблайди. «Не қилса ҳам яхшиликка етказсин-да!» дейди сабабини суриштирсангиз. Ўзбекнинг деҳқони шундай: топганини ўз элига ташийди, йиққанини шу халқ дастурхонига сочади. Бугун шу заҳматкашларнинг меҳнати эвазига бозорларимизда қишин-ёзин тўкинлигу арзончилик ҳукмрон.

Наманган туманида ерни қадрлаб, қадр топаётганлар кўпчиликни ташкил қилади. Қизиғи, бу ерликлар тупроқнинг кўнглига шундай зўр йўл топишганки, бошқаларга бир, нари борса икки бор ҳосил тутқазгувчи замин наманганликлардан йилда тўрт бор ҳам марҳаматини аямайди.

Туманнинг Хонобод ҚФЙ Янгийўл маҳалласида истиқомат қилувчи Авазбек Аҳмадалиев ёш бўлишига қарамай, деҳқончиликнинг яхшигина ҳадисини олган. Мўъжазгина ҳовлисида пиёз, карам, саримсоқ экади, 2 сотих жойда ташкил қилган иссиқхонасига эса укроп уруғини сепади. Укропнинг ўзини уч мартагача йиғиштириб олади. Ҳосилдан 2 млн. сўмдан зиёд даромад қилади.

Бир йилда қандай қилиб тўрт мартагача ҳосил олиш мумкинлиги билан қизиқдик.

— Кузнинг охирларида кўкат экамиз, айримлар бодринг экишади. Январнинг ўрталарига бориб, помидорга навбат келади. Баҳорга чиқиб эса яна ерга уруғ қадалади, ҳосил йиғиб олингач, яна бошқа экин экиш мумкин, — тушунтиради деҳқон.

— Тинимсиз экилаверадиган ер чарчаб қолмайдими?

— Йўқ, алмашлаб экиш ҳисобига чиринди билан янада тўйиниб боради.

Омилкорлик орқасидан оиласини тўкис этаётган Авазбек акадек инсонлар туманда яна кўплаб топилади. Улардан бири Тошбулоқ қишлоғидаги Абдумалик ака Кулиев. Иссиқхонасида помидор, бодринг етиштириб, бозорга чиқаради. 30 туп лимон барқ уриб кўкармоқда. Даромад ҳам кўнгилдагидек. Оиладаги 11 кишининг фаровон яшашига деҳқончиликдан топилаётган маблағ сабаб бўлаётир.

Абдулаҳад Муродовни эса уста гулчи сифатида танишади. Юздан ошиқ гул турини маҳорат билан ўстиришдан ташқари, куёнчилик билан шуғулланади, бедана, канарейка, тўти, амодинка каби қушларни ҳам парвариш қилади. Фарзандлар ҳам отанинг ишларини муносиб давом эттиришмоқда. Абдулаҳад аканинг гулчиликдаги тажрибасига бошқа вилоятдагилар ҳам ҳавас билан қарашади. Устага Навоий вилоятида ҳам Наманган гулларини ўстириб, гўзаллик улашиш таклифини билдиришди. Табиийки, эзгу ишга розилик билдирилди.

Санайверсангиз, бундай инсонлар ҳақидаги суҳбат ниҳоя билмайди. Улар эса гапиришдан кўра тер тўкиб ишлашни маъқул билишади. Ортга қайтар эканмиз, ўзбекнинг дастурхони бугунгидан да тўкин бўлишини тиладик.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Jshonch
2013-yil 29-yanvar № 12 (3205)

Амнистия



Истиқлол шарофати билан фуқароларга муносиб турмуш шароити яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш ҳамда унинг шаъни, қадр-қимматини камситувчи ҳар қандай ҳолатга барҳам бериш давлатимизнинг энг муҳим вазифасига, тараққиётимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланди.

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Умуман олганда, мустақиллигимизнинг тарихан қисқа, аммо сермазмун йиллари давомидаги барча ислоҳотлар замирида инсон ва унинг манфаатлари акс этган. Жумладан, умр деб аталмиш неъмат қадрига етмай, турли сабабларга кўра хатога йўл қўйиб, ҳаётининг бир бўлагини тиканли сим ортида ўтказаётган маҳкумларнинг ҳам тегишли ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида Жиноят-ижроия кодекси янгидан ишлаб чиқилди. Жазоларни ўташ шароитлари яхшиланди. Амнистия мунтазам қўлланилаётган ҳуқуқий институтга айланди.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш институтининг мустаҳкамланиши инсонпарварлик, қонунийлик, одиллик тамойилларининг аҳамиятини сезиларли даражада оширди. Мустақиллик йилларида 23 маротаба амнистия тўғрисидаги фармон ва қарорлар қабул қилинганлиги ҳам бунинг яққол далилидир.

Республикамиз Президентининг тақдимномасига мувофиқ Олий Мажлис Сенати томонидан Республикамиз Конституциясининг 20 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги Қарор қабул қилинди.

Ушбу Қарорга асосан турли экстремистик ташкилот таркибида жиноят содир этиб, ҳозирда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар орасидан бугунги кунда ўз қилмишидан пушаймонлик билдириб, содир этган жиноятининг оғир оқибатларини тушуниб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтиб, фарзандлари тарбияси, халқ равнақи, юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар халқимиз ва давлатимизнинг кечиримлилиги асосида озодликка чиқарилиши кўзда тутилган.

Мазкур қарор ижроси бўйича қилинаётган ишлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, озодликка чиққан шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Шу асосда жазони ижро этиш муассасалари соҳавий хизмат ходимлари томонидан амнистия акти доирасига тушадиган маҳкумларнинг йиғма жилдлари тайёрланиб, прокуратура ва суд идораларига юборилди. Улар билан суҳбатлар ўтказилиб, жамиятга тезда ва осон мослашиб кетишига кўмаклашиш, озодликка чиқаётган маҳкумларни яшаш жойларига кузатиш ишлари олиб борилмоқда.

Амнистия актининг ўзига хос хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, биринчидан, бу ҳужжат давлат ва халқ манфаатлари уйғунлигининг ифодасига айланган Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинади. Иккинчидан, амнистия қарорида олий қадриятларга бўлган эътибор ўз ифодасини топган. Масалан, амнистия акти 60 ёшдан ошган шахсларга, аёлларга, вояга етмаганлар ҳамда чет эллик шахсларга қўлланилиши давлатимиз ташқи сиёсатининг ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва бағрикенглик тамойилларига асосланганлигини кўрсатади.

Мазкур қарорнинг 1-а бандида хотин-қизларнинг ҳам вакили (Омбудсман)нинг ҳудудий вакили, прокуратура, суд, ички ишлар идоралари соҳавий хизмат ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Амнистияга тушиб, Латофат Маллаева, Наталья Бектаева, Зайнаб Юлдашева каби муддатидан олдин жазодан озод этилган собиқ маҳкумалар кечиримли халқимизга ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Улар эндиликда тўғри, қонуний йўлдан юришларини, Ободтурмуш йилида оиладагилари, яқинлари билан аҳил-иноқ ва тинч-тотув яшаш ниятида эканликларини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, аёл сиймоси халқимиз тасаввурида азал-азалдан эзгулик тимсоли бўлиб келган. Шу боис унинг ўрни жазо ўташ жойида эмас, балки оилада бўлиши керак.

Аслида ҳам амнистия ўз хусусиятига кўра, жиноят қонунининг инсонпарварлик тамойилларини ўзида намоён қилади. Шу билан бирга кечиримлилик хусусиятини мужассамлаштириб, жиноят содир этган шахсга яна бир бор жамиятга қайтиб, тўғри ҳаёт кечириш имконини беради. Зеро, бунинг натижасида қўплаб жазо муддатини ўтаётган маҳкум ва маҳкумалар оилалари бағрига қайтадилар.

Ана шундай тадбир полковник Э.Ҳамроев раҳбарлик қилиб келаётган муассасада, яъни ЖИЭББ тасарруфидаги республика касалхонаси ва Зангиота тарбия колониясида ҳам бўлиб ўтди.

— Жиноятга жазо муқаррар эканлигини тушуниб етдик, — дейди Зангиота тарбия колониясида жазо муддатини ўтаган собиқ маҳкумлар Саҳобиддин Қобилов ҳамда Ҳамиджон Омонов. — Ўтган давр ичида бу ердаги мактабда таълим олдик, ҳунар ўргандик. Энди маҳалламизга бориб фойдали иш билан шуғулланмоқчимиз.

Бу борадаги ишлар юқори савияда ташкил этилган бўлиб, маҳкумларнинг тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлашишига амалий ёрдам берилади. Ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни эса ногиронлар ва қариялар уйларига, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органлари назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юбориш таъминланмоқда. Бу борада прокуратура, суд, ички ишлар идоралари, соғлиқни сақлаш тизими, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» жамоат фонди ва ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режа асосида иш олиб бориляпти.

Шунингдек, жойларда қарор ижроси бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш мақсадида депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат комиссиялар фаолияти ҳам йўлга қўйилган бўлиб, улар амнистия тўғрисидаги қарор ижросига бағишланган тадбирларда бевосита иштирок этиб келишмоқда.

Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,
ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими катта инспектори

Молия муассасаларида

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар аҳолининг даромадларини ошириш, турмуш фаровонлигини яхшилашда муносиб ҳисса қўшмоқда. Айниқса, кейинги пайтда янги хизмат турлари, жумладан, ипотека, истеъмол ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредитлар ажратилиши мижозлар сонининг янада ортишини таъминлаяпти.

МУҲИМИ — ИШОНЧ

Пойтахтимизнинг «Ипотека банк» АТИБ Юнусобод филиали ҳам мижозларнинг ишончли молиявий муассасаларидан ҳисобланади. Сарҳисоб даврига назар солсак, банкнинг мижозлар сони қарийб 6 фоизга, омонатчилар сони салкам 40 фоизга, омонатчилар миқдорининг ўсиш суръати эса 35 фоиздан ошганлигини кузатиш мумкин.

— Банкимизга ҳар куни турли масалалар бўйича юздан зиёд мижоз мурожаат этади, — дейди банк филиали раҳбари Қодиржон Абдуллаев. — Банк қошида махсус «Маслаҳат бурчаги» ташкил этилган бўлиб, ҳар бир мурожаат тегишли тартибда кўриб чиқилади ва амалий маслаҳатлар берилади. Бу эса мижозлар ишончининг ортиши ва ўз-ўзидан, банк даромадининг ошишига сабаб бўлаяпти. Жумладан, ўтган йилнинг 1 январ ҳолатида банк даромади 5354089,3 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг шу даврида 7874003,8 минг сўмга етди. Бу 47 фоизга ўсиш демакдир. Албатта, буларнинг барчасига ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Ҳудудимиздаги аҳоли талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда жойларда 6 та мини банк фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, мижозларга қулайлик яратиш мақсадида жойларда 29 та жамғарма ва коммунал кассалар ташкил этилган. Шундан биттаси ўтган йилнинг якунида ишга туширилди. Келгусида ҳам бундай шохобчалар сонини ошириб бориш кўзда тутилган. Бундан кўзланган мақсад мижозларимизни янада кўпайтириш ва улар учун етарли қулайлик яратишдир.

Бундан ташқари, ўтган йили филиал томонидан Европа тараққиёт ва тикланиш банки кредит линияси бўйича ҳам қатор тадбирлар амалга оширилиб, ўнга яқин лойиҳа молиялаштирилди. Айни пайтда ҳам банк мутахассислари мазкур йўналиш бўйича қатор хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес лойиҳаларини кўриб чиқишмоқда.

Албатта, бу истиқболли лойиҳалар келгусида янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга тушиши, иш ўринларининг ортиши ҳамда ички бозоримизни янада сифатли озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдиришга замин яратади.

Ўз мухбиримиз

Солиқ

ТАДБИРКОРЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

«Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-тамойилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президентимиз Фармони тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратмоқда. Фармонга асосан, 2012 йилнинг 1 октябридан йирик корхоналарнинг солиқ органларига топширадиган ҳисоботлари сони 6 тадан 4 тага, кичик корхоналар ва микрофирмаларники эса 3 тадан 2 тага туширилди.

Яъни йирик корхоналарнинг асосий воситалар ҳаракати ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзи тўғрисидаги маълумотномалар топшириши бекор қилинди. Микрофирма ва кичик корхоналар эса бундан буён дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақидаги маълумотномани топширмайди. Натижада солиқ ва статистика органларига тақдим қилинадиган ҳисоботлар 33,3 фоизга қисқарди.

Бундан ташқари, юридик шахсларнинг фойда ҳамда ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиқлари бўйича жорий ҳисоботлари бирлаштирилди. Натижада йиллик ушбу ҳужжатлар 8 тага қисқарди. Ягона солиқ тўлови юзасидан 24 та ўрнига 8 та ҳисобот жорий этилди.

Қўшилган қиймат, акциз, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва жисмоний шахслардан транспорт воситаларига қуйиладиган ёқилғи ва газ ишлатганлик учун уларнинг чораклик тизими амалга киритилди.

Мол-мулк солиғи бўйича юридик шахслар учун йиллик ҳисобот топшириш тартиби ўрнатилди. Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳақидаги мазкур ҳужжатлар бирлаштирилиб, чораклик тизимга ўтказилди. Мақсадли жамғармаларга ўтказилган тўловлар тўғрисидаги ҳисоботлар бирлаштирилди. Юридик шахслар томонидан уларни ҳар чоракда топшириш тартиби жорий этилди. Натижада, йил давомида 36 та ўрнига 4 та ҳисобот топширилади бўлди.

Юридик ва жисмоний шахсларга берилаётган бу каби имтиёзлар, шубҳасиз, мамлакатимизда тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини янада ривожлантиришга шароит туғдириб, иқтисодиётимизнинг юксалишига хизмат қилади.

Н. ЖУМАНАЗАРОВ,
Навоий вилоят ДСБ бўлим бошлиғи

Реклама ва эълонлар

Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ҚУРИЛИШДА «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ 2013 йилга қуйидаги объектларнинг қурилиши бўйича ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

№ п/п	Объект номи	Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилиш муддати
1.	Боёвут туманидаги чақирув пунктини реконструкция ва модернизация қилиш	836 754 372 сўм	697 295 310 сўм	310 кун

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Давлат бюджети ҳисобидан
Буюртмачининг манзили: — Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳар М. Ахтамова кўч. -30, тел: 8 (3672) 27-63-86

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 феврал ПП-1475 сонли қарорига асосан, давлат бюджети маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган 500,0 млн. сўмгача бўлган қурилиш ва қайта қуриш объектларига ўтказилган танлов савдолари, фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.

Танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ кўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қушимча қиймат солиғи сўммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси 30-уйда** жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тел (факс): (8 3672) 27-64-42

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати- оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 15 кунга қисқартирилган ҳолда ўтказилади. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 декабр 02/1-783-сонли назорат режасига мувофиқ)

Хизматлар лицензияланган

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР,БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ, КОРХОНАЛАРИ ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ҲИЗМАТИ»ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объектлар номи:

«Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Аввал ҚФЙ Аввал қишлоғидаги 25-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилиши».

Муддати — 30.08.2013 йил.

Бошланғич нархи — **2 417 266 920 сўм ҚҚС билан; 2 014 389 100 сўм ҚҚС сиз.**

Қурилиш ишлари: Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Давлат бюджет маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбаалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларига ўтказилган танлов савдолари иштирокчиларининг тижорат таклифлари тенг баҳоланганда, кичик бизнес субъектларига имтиёзлар берилади.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЛОТ-1

ЛОТ 1-1 «Фарғона вилоят, Бешариқ тумани, Бўстон-1 қишлоғи Яккатут ҚФЙдаги 37 намунавий уй-жойларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш ».

Бошланғич нархи —**129 057 360 сўм ҚҚС билан; 107 547 800 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 1-2. «Фарғона вилоят, Бувайда тумани, Маслаҳат қишлоғи Ибрат ҚФЙдаги 35 намунавий уй-жойларни ичимлик сув билан таъминлаш ».

Бошланғич нархи — **112 862 400 сўм ҚҚС билан; 94 052 000 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 1-3 ««Фарғона вилоят, Ёзёвон тумани, Сой Ёни қишлоғи Хонобод ҚФЙдаги 35 намунавий уй-жойларни ичимлик сув билан таъминлаш ».

Бошланғич нархи — **149 792 280 сўм ҚҚС билан; 124 826 900 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 1-4 ««Фарғона вилоят, Олтиариқ тумани, Устозлар мавзеси Файзиобод ҚФЙдаги 21 намунавий уй-жойларни ичимлик сув билан таъминлаш ».

Бошланғич нархи — **145 512 960 сўм ҚҚС билан; 121 260 800 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 1-5 «Фарғона вилоят, Олтиариқ тумани, Чордона мавзеси Янгиараб ҚФЙдаги 23 намунавий уй-жойларни ичимлик сув билан таъминлаш ».

Бошланғич нархи — **158 187 600 сўм ҚҚС билан; 131 823 000 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ-2

ЛОТ 2.1. «Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Жарқўрғон қишлоғи Ғайрат ҚФЙдаги 25 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи —**145 840 920 сўм ҚҚС билан, 121 534 100 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 2.2. «Фарғона вилояти, Риштон тумани, Вохим қишлоғи Бўстон ҚФЙдаги 15 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи —**133 411 320 сўм ҚҚС билан; 111 176 100 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 2.3. «Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Тегирмонбоши қишлоғи Арабмозор ҚФЙдаги 30 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи —**161 337 120 сўм ҚҚС билан; 134 447 600 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 2.4. «Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Яккатут маҳалласи Тошлоқ Бирлик ҚФЙдаги 20 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи —**133 416 240 сўм ҚҚС билан; 111 180 200 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 2.5. «Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Жангир қишлоғи Конизар ҚФЙдаги 30 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи —**171 370 560 сўм ҚҚС билан; 142 808 800 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ-3

ЛОТ 3-1 «Фарғона вилоят, Учкўприк тумани Учкўприк ҚФЙдаги 50 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **178 743 985 сўм ҚҚС билан ва 148 953 321сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 3-2 «Фарғона вилоят, Учкўприк тумани, Муллазоир қишлоғи Сариқўрғон ҚФЙдаги 50 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **149 178 505 сўм ҚҚС билан ва 124 315 421 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 3-3 «Фарғона вилоят, Фарғона тумани, Логон қишлоғи Логон МФЙдаги 30та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **138 750 240 сўм ҚҚС билан ва 115 625 200 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 3-4 «Фарғона вилоят, Фарғона тумани, Чекшура машраб Бобур ММТС мавзеси Чекшура ҚФЙдаги 92та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **285 412 200 сўм ҚҚС билан ва 237 843 500 сўм ҚҚС сиз.**

ЛОТ 3-5 «Фарғона вилоят, Фурқат тумани, Сурпа қишлоғи Томоша ҚФЙдаги 30 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи — **112 995 840 сўм ҚҚС билан ва 94 163 200 сўм ҚҚС сиз.**

Муддати — 30.08.2013 йил.

Буюртмачи: **«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37, тел.(373) 224-24-33

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси, 37-уй, телефон/факс: 8-373-224-18-71

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, *Темирйўлчилар кўчаси* 37-уй манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган

Ishonch
2013-yil 29-yanvar № 12 (3205)

Самарқанд шаҳридаги 2-боғча-мактабда 340 ўғил-қиз замонавий таълим-тарбия андозалари асосида камолга етмоқда.

Мазкур боғча-мактабдаги озода, кенг ва ёруғ машғулот хоналари илғор педагогик технологиялар билан жиҳозланган. Мактаб ёшига етган тарбияланувчилар шу ернинг ўзида бошланғич таълимга ихтисослашган синфхоналарда сабоқ олади. Спорт, фан, мусиқа ва рақс, миллий ҳунармандчилик тўгараклари келажак ворислари билан гавжум. Бу ерда ўғил-қизлар дарс ва машғулотлардан бўш вақтини мазмунли ўтказмоқда.

Жумладан, тўгаракка болалар тўрт ёшдан жалб қилинаётир. Машғулотларни Вазира Қаҳҳорова, Виктория Абдулина каби малакали мутахассислар самарали педагогик усулларда олиб бораётир. Ўғил-қизлар инглиз тилига оид илк кўникмаларни қизиқарли ўйинлар, савол-жавоблар, қувноқ шеър ва ашулалар, кўргазмали воситалар ёрдамида ўзлаштирмоқда.

Суратда: Виктория Абдулина машғулотда.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА)
олган сурат

Тақдимот

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонлар нафақат бетакрор обидалару, фусункор табиатимиздан, балки ошпазларимизнинг юксак маҳорат билан тайёрлаган таомларидан ҳам лол қолишади. Кейинги йилларда юртимизда тарихий мерос ва маданий бойлик сифатида пазандачилик санъатини сақлаб қолиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Миллий-тарихий анъаналарни ва озиқ-овқат технологиясининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда умумий овқатланиш тизимини ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди.



ШИРИН ТАОМ ҲАҚИДА ШИРИН СЎЗ

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги «Умумий овқатланиш ташкилотларининг фаолиятини янада такомиллаштириш ва ходимларнинг касбий даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам соҳага кўрсатилаётган эътибордан дарак. Яқинда Миллий матбуот марказида ўтказилган пазандаликка оид китоблар тақдимоти мазкур қарор ижросини таъминлашдаги илк одимлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Ошпазлар ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этилган тақдимотда миллий пазандалик санъати ривожи учун нафақат диёримизда, балки МДҲ давлатларида ҳам улкан ҳисса қўшаётган ҳамюртларимиз Лилия Николенко ва Ҳаким Ғаниевнинг «Узбекская домашняя кухня», «Восточный пир с Ҳакимом Ганиевым», «Халялная домашняя кухня», «Плов — дело тонкое» номли китоблари йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинди. Фурсатдан фойдаланиб, Ошпазлар уюшмасининг фахрий аъзоси, муаллиф Ҳаким Ғаниев билан суҳбатлашдик.

— Болалик пайтимданоқ таом пиширишга ҳавасим кучли эди, — деди у. — Дастлаб, 9-10 ёшимда овқат пиширганман. Тайёрлаган таомларимда кўпинча қайсидир маҳсулотни солишни унутардим. Бир куни онам қўлимга таомнинг рецепти ёзилган қоғозни тутқазди. Шу-шу ҳар бир овқатни онамнинг берган рецептлари асосида тайёрлайдиган бўлдим. Қаранг-ки, болаликдаги ҳавасим касбимни ҳам белгилаб берди. Ошпазликни 40 йилдан буён давом эттираяпман. «Ўзбек миллий ошхонаси», «Палов тайёрлаш санъати» китобларида берилган таомлар рецептини йиллар давомида ёзиб, тўплаганман. Тўғриси, дафтарларни таомнома билан тўлдириб, уни қизимни узатаётганда унинг қўлига тутишни ният қилгандим. Мана, ниҳоят, буни китоб ҳолида нашр этилишига муваффақ бўлдим. Эндиликда бу китоблар пештахтада эмас, ҳар бир беканинг севимли ошхонасидан жой олади, деган умиддаман.

Халқимиз меҳмон учун ширин сўзинг ва очиқ дастурхонинг бўлсин, деб бежизга айтмайди. Чунки, мазали таом ширин сўз каби инсон кўнглини ҳузурлантиради.

Пазандаликка оид мазкур китоблар қўлигул ошпазлар орасида хорижий ва халқаро танловлар совриндорлари сафининг янада ортиши, қолаверса, миллий таомларимизнинг жаҳон миқёсида ёйилишида муҳим аҳамият касб этади.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган сурат

Табиат ва биз

Тоғликларнинг аксарияти илоннинг номини тилга олишга истиҳола қилишади. Қамчи, арқон, арғамчи сўзлари орқали унга нисбат беришади. Илоннинг номини тилга олиш гўё одамда нохуш кайфият уйғотармиш. У ҳақда тунда гапирганларни эса илон излаб келар ёки тушида қўрқитармиш...

ЙИЛИМИЗНИНГ «ЭГАСИ»

Беихтиёр илонни бутунлай зараркунандага чиқариб қўйиш инсофданми, деб ўйлаб қоласан, киши! Биз ёшлигимиздан бошлаб нимагадир илонга нафрат билан қараш туйғуларига ошно бўламиз. Болаларни илон чақиб олади, деб қўрқитамиз, уни ҳатто эртакларимизда ҳам ёвузлик рамзи сифатида тасвирлаймиз. «Тушингда кўрсанг ганж, ўнгингда кўрсанг янч», деган мақолга амал қиламиз. Қанақа турга мансублигидан қатъи назар учраган илонни ўлдирамиз, ҳатто кечаси юлдузларни кўриб тирилмасин, деб ёқиб юборамиз.

Аслида бу «айбсиз айбдор» шундай таҳқир ва ҳақоратларга лойиқми?! Аксинча, аждодларимиз унинг номини юлдузлар туркумига беришган. Илон ва қадаҳ тиббиёт рамзига айланган.

Илоннинг заҳри минг дардга даводир. Боз устига у кемирувчиларни қириб, қишлоқ хўжалигига фойда келтиради. Терисидан ноёб буюмлар тайёрланади. Ҳатто унинг номи сўзларга ўзак бўлиб, топонимларга айланган. Илонли, Илонкўл, Илонсой, Илончи... Туркистон ва Нурота тизма тоғларининг энг тор дараси Илонўтти деб номланади. Илонлар ҳақида қанча ривоятлар, афсоналар бор...

— Мамлакатимиз ҳудудида 30 турдан ортиқ илон мавжуд. Улар табиатда тутган аҳамияти билан ер юзида ноёб ҳисобланади, — деганди зоминлик меҳнат фахрийси, табиатшунос Абдумутал Алибеков. — Шунинг учун ҳам уни ўғирлаб кетувчилар, жарақ-жарақ пулга сотувчилар кўп. Натижада илоннинг ноёб турлари камайиб бормоқда. Жониворлар муҳофазасини кучайтиришимиз керак...

Фидойи табиатшуноснинг сўзларини эшитиб, Қизил китобда қайд этилган бу жониворлар ёдимга келади. Табиатшунослар бизни заҳарли илонларни сақлаб қолишга ундамоқда. Чунки, жаҳоннинг саноқли давлатидагина мавжуд бўлган тўрт йўлли чипор илон, кўндаланг йўлли бўритиш илон, Афғон литоринхи, капча илон, дашт қора илони ҳудудларимизда жуда камайиб кетаяпти. Бунга сабаб аввало, ерларнинг экологик ҳолатини ҳисобга олмасдан ўзлаштирилишидир. Қолаверса, аҳоли томонидан илонларнинг ўлдирилиши, бозорларда турли касалликларга дори деб сотилиши туфайли улар Қизил китобга тушиб қолаяпти. Яхшиям қўриқхоналарда улар муҳофазага олинган. Йўқса...

Назаримда, илоннинг бу турларини нафақат муҳофаза қилиш , балки кўпайтириш ҳам зарур. Илонлар табиат занжирининг муҳим ҳалқаси эканлигини унутмаслигимиз керак. Қолаверса, экологик маданиятнинг муҳим қирраси бўлган бу жониворга муносабатни ижобий томонга ўзгартириш вақти етиб келди. Уларга нисбатан экологик тарбияни мактабдан бошлашимиз керак.

Ғаллаорол туманидаги бир мактабда бўлганимда ўқувчиларнинг табиатга муносабатини кўриб қувониб кетдим. Юқори синф ўқувчилари устозлари раҳбарлигида жонли бурчак ташкил этишибди. Бу ерда илон, юмронқозиқ, тошбақа, қурбақа, каптар, каклик ва турли хил парранда-даррандалар парваришланар экан. Ўқувчилар гулларнинг ўнлаб хилларини экиб кўпайтиришган.

Кўрдимки, зукко шогирдлар қалбида экологик маданият шаклланиб, борлиққа муҳаббат туйғулари уйғонмоқда. Бугун ҳар бир ўқувчи илон беозор жонивор эканлигини, хўрак излаб чиққанида ўзини ҳимоя қилиш учунгина одамларни чақиб олишини билади. Демак, бу мактаб ўқувчилари илонни ўлдирмайди. Иложи бўлса, унинг кўпайишига ёрдам беради.

Шу алпозда Зомин туманида Экотуризмни ривожлантириш билан боғлиқ ибратли ишлар хаёлимга келади. Бугун бу ерда сайёҳларнинг ҳордиқ чиқариши билан боғлиқ кўплаб хайрли ишлар амалга оширияпти. Қисқа муддат ичида табиат қўйнида меҳмонхоналар барпо этилиб, туристик масканлар қад кўтарди. Хорижлик сайёҳлар ўлкамиз табиати, урф-одатлари билан танишмоқдалар. Зомин ўрмон хўжалиги ходимлари табиатнинг ноёб мўъжизаси бўлган илонларни чўчитмаслик, эҳтиётсизлик қилиб босиб олмаслик, улардан сақланиш борасида меҳмонларга тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Бугун йўли асфальтланмаган бирорта тоғли қишлоқни учратиш қийин. Бу тараққиёт самараси. Аммо турли жониворлар эҳтиёж юзасидан ўша йўллардан ўтишга мажбур.

Ўқиган эдим, ривожланган хорижий давлатлар ҳудудларда, йўл ўрмон ичидан, ёввойи парранда-ю даррандалар яшайдиган тоғ ёки далалардан ўтадиган бўлса, махсус қувур ўрнатилар экан. Токи, йўлдан ўтадиган жонивор озор чекмасин, фалокатга йўлиқмасин! Бизда-чи? Ҳайдовчилар йўл устига чиққан илон, тошбақа, қурбақаларни босиб кетаверишади. Унутмаслик керак, табиат мувозанати занжиридан битта халқа йўқолдими, албатта узилиш бошланади.

Аммо табиат ўзини жуда яхши ҳимоя қила олади. Бунга мисоллар жуда кўп. Мана бу ҳолатга бир эътибор беринг. Заҳарли илон айвон бўғотидаги қалдирғоч боласини ютиш учун чиқади. Буни кўрган қалдирғоч дарҳол бешиктерватар ва қирғийни топиб келади. Бешиктерватар илонни ром қилиб, икки кўзини ўйиб олади. Дунёси қоронғи бўлган илон ерга шалоплаб тушади. Буни кузатиб турган қирғий илонни кўтариб учиб кетади. Қирғий ҳам ўз навбатида кучли соҳибчангалнинг қўлига тушади. Табиатдаги бу одилликнинг замирида теран маъно бор. У ўзини маҳв этмаяпти, аксинча занжирини мустаҳкамлайди.

2013 йил — Шарқ тақвими бўйича илон йили. Шу муносабат билан, айниқса, Қизил китобга кирган илон турларини муҳофаза қилиш, уларни кўпайтириш бўйича жиддий ўйлашимиз керакка ўхшайди.

Маълумки, капча илонни овлаш тақиқланган. Улар Сурхон, Ҳисор, Китоб ва Нурота қўриқхоналарида муҳофаза қилиниб, кўпайтирилмоқда. Дашт қора илонининг устида Тошкент ҳайвонот боғи ва ЎзРФА Зоология институтининг ходимлари иш олиб бормоқдалар. Бу илонлар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам эркин ҳолда учраши табиий. Уларни асраш эса инсоннинг бурчидир.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
журналист

Реклама

Реклама ва эълонлар

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашининг фаолияти Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг 2012 йил 6 ноябрдаги «Касаба уюшмаси фаолиятини ва тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 10-12-сонли қарорининг 1-бандига ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кенгашининг 2012 йил 10 декабрдаги навбатдан ташқари конференциясининг III сонли қарорига асосан 2013 йил 15 февралдан тугатилади.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси «Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати» ДУК томонидан «Xudoyberdi biznes» МЧЖ номига 2010 йил 23 июнда берилган (Серия ТА № 0975673) бино гувоҳномаси ва (Серия O'Y № 216079) ер гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00; Qashqadaryo +998 91 467-30-01.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Toshev
Navbatchi:
A. Arslonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 00. 30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г – 111 | 20292 nusxada bosildi | 1 2 3 5